

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА	
Роман жанрининг культурологик қиёфаси	63
С.ҚУРОНОВ	
Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси.....	66
Ф.ДАДАБАЕВА	
Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси.....	69
М.ЖУРАЕВА	
Кундош образининг замонавий талқини.....	72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ	
Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар	76
Д.ТУРДАЛИЕВА	
Лисоний имконият ва бадий санъат	79
Н.АБДУЛЛАЕВА	
Синтактик градуонимия.....	84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ	
Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни	87
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти.....	92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА	
Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш.....	95
Л.РАХИМОВА	
Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари	99
М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ	
Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири	101
А.ЭРМАТОВ	
Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	103
Л.БЕГИМҚУЛОВА	
Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар.....	106
М. УСМАНОВА	
Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши	108
Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА	
Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари	111
Н.ТОШЕВА	
Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида.....	113
Г.РОЗИҚОВА	
Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида.....	116
З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРҲУЖАЕВА	
Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир.....	118
Ш.АСКАРОВА	
Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари.....	120
М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ	
Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти.....	123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр.....	126
-------------------------------	-----

ЎРТА АСРЛАРДАГИ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ МОҲИАТИ

М.Каримова, И.Мерганов

Аннотация

Мақолада Ўрта асрларда (VII–XIV) яшаган аллома ва мутафаккирларнинг асарларида таълим-тарбия, ахлоқ-одобга оид педагогик фикрлар, ижтимоий тараққиёт учун муҳим бўлган инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, миллий маънавиятни улуғлаш, комил инсон ва етук жамоага эришиш каби масалалар ёритилган. Ўрта асрларда аллома ва мутафаккирларнинг педагогик фикрлари инсонпарварлик ғоялари таълим-тарбия жараёни билан боғланиб, жамият тараққиётида тарбия нақадар зарурлиги, унинг моҳияти ва мазмуни интерфаол методлар асосида ёритилган.

Аннотация

Произведения ученых и мыслителей, живших в Средние века (VII–XIV), отражают образовательные, моральные и педагогические идеи, важность гуманизма, знаний, защиты интересов людей во имя социального развития национальной духовности, достижения зрелого человека и зрелого общества. Педагогические идеи ученых и мыслителей Средневековья связаны с гуманистическими идеями и необходимостью образования для развития общества, его сущность и содержание объясняются на основе интерактивных методов.

Annotation

The works of scholars and thinkers who lived in the Middle Ages (VII–XIV) reflect educational, moral and pedagogical ideas, the importance of humanism, knowledge, protection of people's interests for the social development of national spirituality, the achievement of a maturity man and maturity community. Pedagogical ideas of medieval scientists and thinkers are associated with the educational process of humanistic ideas and the need for education in the development of society, its essence and content are explained on the basis of interactive methods.

Таянч сўз ва иборалар: фикр, педагогик фикр, педагогик фикрнинг пайдо бўлиши, аллома, мутафаккир, таълим-тарбия бирлиги, ахлоқ.

Ключевые слова и выражения: мысль, педагогическая мысль, возникновение педагогической мысли, ученый, мыслитель, единство воспитания и обучения, нравственность.

Keywords and expressions: thought, pedagogical thought, the emergence of pedagogical thought, scholar, thinker, the unit of teaching and upbringing, morality.

Бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан бири аждодларимиз қолдирган бебаҳо илмий-маънавий меросни ўрганиш, уни асраб-авайлаш, янада такомиллаштириш, бойитиб боришдан иборатдир. Чунки аждодларимизнинг ҳар бир фикри ҳозирги ижтимоий ҳаётда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Ўрта асрлардаги мутафаккирларнинг педагогик фикрлари Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий, руҳий камолоти, олий даражадаги юксалиш муаммоси етакчи ғоя бўлган. Ўрта асрлар (VII–XIV) педагогик фикрлар тарихида муносиб ўрин олган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг таълим-тарбияга доир ғоялари Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Муслиҳиддин Саъдийнинг “Гулистон”, Унсурул Маолий Кайковуснинг “Қобуснома”, Жалолоддин Даванийнинг “Ахлоқи Жалолоий”, Имом Исмоил Бухорийнинг “Жомеъ-ас саҳиҳ”,

“Ал-адаб-ал-муфрат”, Ат-Термизийнинг “Суннан”, Форобийнинг “Донолик жавоҳири”, “Фозил шаҳар аҳли”, “Бахт саодатга эришиш ҳақида трактат”, Абу Райхон Берунийнинг “Ўтмиш авлодлар хотираси”, “Жавоҳирларни ўрганиш учун маълумотлар тўплами”, “Ҳиндистон”, Абу Али Ибн Синонинг “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Донишнома”, “Билимлар хазинаси”, “Этика ҳақида трактат” каби асарларда ўз ифодасини топган.

Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: “Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

М.Каримова – ФарДУ, педагогика фанлари номзоди.

И.Мерганов – ФарДУ педагогика кафедраси ўқитувчиси.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин” [1].

Ўрта асрлардаги педагогик фикрлар Уйғониш даврида янада ривожланди. Ўрта Осиёда Уйғониш даври икки даврни – IX-XII асрлар ҳамда XIV-XV асрларни ўз ичига олади. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилган, фундаментал илмий кашфиётлар яратилган бу маънавий-маданий юксалиш даврида кўплаб мутафаккирлар етишиб чиқди.

Ўрта асрлардаги (VII- XIV асрлар) педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши ахлоқ масаласи мутафаккирларни ҳам, тарихчию шоир ҳамда адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлди. Таълимий-ахлоқий рисолалар пайдо бўлди. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб, Насириддин Тусий, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Жалолiddин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий-ахлоқий асарларида инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммосини ҳал этиш соҳасида яратилган соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта асрларда соф педагогик асарлар яратилиб, таълим-тарбияда инсон такомилнинг хусусий ва умумий методлари ҳақида ўлмас таълимоти билан ном қолдирган тарбияшунос олимлар майдонга чиқди. Ўрта асрларда ўлкамизда кўплаб илм ва маънавият масканлари фаолият кўрсатган.

Ушбу марказларда жуда кўплаб олим ва уламолар ижод қилган, халқнинг маърифатини кўтарган. Масалан, бухоролик олимлар сони ҳақида Наршахийнинг шундай гаплари бор: “Агар Бухоро олимларининг ҳаммасини зикр қилсак, бир нечта дафтарни ташкил этади” [3]. Мазкур маълумот ушбу ҳудудда илмий фаолият тизимининг ўша даврда яхши йўлга қўйилганлигини англатади.

Ўрта асрларда моддий ва маънавий соҳалардаги кўплаб ўта муҳим янгиликларни вужудга келтирди. Бу даврда дастлаб

икки тамойил: умуминсоний бирлик ва шахснинг маънавий мустақиллиги муҳим аҳамият касб этган. Бу тамойилга асосан, маънавий -маърифий соҳада асосий масала инсон такомилли муаммоси бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган

“Шарқ ренессанси” деб номланган “Уйғониш даври” инсониятга етук ақл-заковат эгалари, инсонпарвар мутафаккирларни етказиб берганлиги билан ҳам кишилик тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу даврда яшаган мутафаккирларнинг инсоний камолот, инсонпарварлик, ахлоқ-одоб ҳақидаги эзгу қарашлари асрлар давомида ёшларни баркамолликка ундовчи олий қадрият сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Шарқ Уйғониш даврида маънавий-маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган. Дидактик асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий, руҳий камолоти, олий даражадаги юксалиш муаммоси етакчи ғоя бўлган. Жаҳон цивилизацияси ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган Шарқ алломалари бир қатор фанлар, жумладан педагогиканинг ҳам кўп томонларини, ҳам чуқур асосли ишлаб чиққан. Жамиятда инсон омили ҳар доим ҳал қилувчи ўрин эгаллагани туфайли буюк олим ва мутафаккирлар ижодида, панд-насихатларида инсонни тарбиялаш, комил инсон бўлиш ғояси асосий ғоя сифатида ифода этилган, ахлоқ-одоб меъёри ҳисобланган.

2014 йил 15 -16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ушбу конференцияда сўзлаган нутқида таъкидланган “...ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу – бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва

билим манбаи, керак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир” [2] - деган фикрлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода педагогик меросимиз бўлажак ўқитувчиларни миллий ғоя тарғиботига тайёрлашда илмий, назарий ва амалий асослари билан қуроллантиради.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари ижодининг асосий йўналиши инсон ва инсоншунослик ғояси билан суғорилган қарашлари, маънавий-маърифий соҳадаги фикрлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар ижодида таълим-тарбия масалалари кенг ўрин эгаллаган

Юқоридаги таҳлиллардан кўришиб турибдики, Ўрта асрлар аллома ва мутафаккирларининг педагогик фикрларида инсонпарварлик ғояларини таълим-тарбия жараёни билан боғлаб, жамият тараққиётида тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмуни асослаб берилган.

Ўрта асрлар фикрлар тарихига оид манбалар билан танишиш орқали қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Комил инсонни тарбиялаш масаласи Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган педагогикага оид асарларнинг етакчи мавзуси саналади.

2. Мутафаккирлар томонидан яратилган асарларда комил инсон қиёфаси, иймон, билимлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, сабр-тоқат, атрофдагилар ва табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабат, ўзликни англаш, эзгу ишларни қилишга рағбат каби сифатлар ўз ифодасини топган.

3. Комиллик инсон шахсини улуғловчи, унинг қадрини юқори кўтарувчи муҳим фазилат сифатида ҳар бир шахсда ривожланиши зарур. Зеро, бу фазилат жамиятда тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, аҳоли ўртасида аҳиллик ҳамда ўзаро ёрдамни қарор топтиришга кўмак беради.

4. Ўрта асрлар фикрлар тарихига оид манбаларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида илмий – тадқиқот ишларига мавзулар танлаш ва илмий – тадқиқот ишларини олиб бориш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Ватанпарвар” газетаси. - 2017 йил, 29 декабрь. - № 52 (2751).
2. Қаримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси. -2014 йил, 16 май.
3. Наршахий. Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: «Камалак», 1991.
4. Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири – Т., 2001.

(Рецензент: Т.Эгамбердиева, доктор педагогических наук, профессор).